



“ЯШИЛ МАКОН” - ЭКОЛОГИК СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИДИР

Усмонов Шерзод Муҳаммадалиевич

ТАДҚИҚОТЧИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7349577>

ARTICLE INFO

Received: 13rd November 2022

Accepted: 19th November 2022

Online: 22nd November 2022

KEY WORDS

Яхшиллик, яшил макон, дарахт ва буталар, вилоятлар, турлар, тавсиянома, долзарб 40 кунлик, қўчат, қаламча, қурғоқчилик, сувсизлик, амалий семинар, сақлаш, парваришlash.

ABSTRACT

Мазкур мақолада мамлакатимизда ўрмон барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “долзарб 40 кунлик” тадбири ҳамда дарахт экишнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилади.

Дарахтлар ҳаводаги зарарли карбонат ангидридни ютиб, ўрнига кислород ишлаб чиқаради ва бизнинг нафас олишимизга ёрдам беради. Улар иссиқда салқинлик беради, атроф-муҳитни шовқинлардан ҳимоя қилади ҳамда соғлом экологик тизимга ҳисса қўшади.

Хусусан, ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар ва замбуруғлар дарахтларга ин қуриши турли хил экологик тизим яратилишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида, табиат занжирининг яхшиланишига олиб келади. Улар фотосинтез жараёни орқали турли озуқа моддаларини ҳосил қилади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ватанимиз бетакрор табиати, гўзал боғу-роғлари, дашту-биебонлари билан Ўрта Осиё мамлакатлари орасида ажралиб турган. Бироқ, вақт ўтиб ишлаб

чиқариш, техника тараққиёти, қишлоқ хўжалигига нисбатан бир ёқлама ёндашув, оқар сувлардан беаёв фойдаланиш, жуда катта табиий ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, дарахтзорларнинг йўқ қилиниши иқлимнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Натижада қишнинг кескин исиб кетиши, баҳорда қор, ёзда сел олиб келадиган ёмғир ёғиш ҳолатлари кузатила бошланди. Чўлланиш борган сари ортиб, тарихда кузатилмаган қум буронлари пайдо бўлди. Ҳавода чанг миқдори ортиб, одамларда турли касалликлар кўпайди.

Бугунги кунда она табиатга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари



учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак. Бу нима дегани? Бу – табиатни тоза-озода тутиш, ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш, дарахт экиб, боғ яратиш дегани”.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йил 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, мазкур лойиҳа доирасида ҳар йили 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланди.

Бутун мамлакатимиз миқёсида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2021 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 694-Ф-сон Фармойиши қабул қилиниб, 2021 йил ноябрь-декабрь ойларида 75 млн. дона ва 2022 йил баҳор ойларида 125 млн. дона дарахт ва буталар кўчатларини экиш белгиланди.

Мазкур норматив ҳужжатлар мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш давлат сиёсати даражасида кўтарилганидан далолат беради.

Ўтган давр мобайнида бундай кенг кўламли ташаббуснинг амалга оширилишида вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, маҳаллалар, умуман олганда, кенг жамоатчилик жонбозлик кўрсатди.

Жумладан, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 6,4 млн., Андижон вилоятида 7 млн., Бухоро вилоятида 7 млн., Жиззах вилоятида 6,5 млн., Қашқадарё вилоятида 7,2 млн., Навоий вилоятида

5,5 млн., Наманган вилоятида 6,2 млн., Самарқанд вилоятида 6,2 млн., Сурхондарё вилоятида 6,9 млн., Сирдарё вилоятида 5,9 млн., Тошкент вилоятида 7,3 млн., Фарғона вилоятида 6,9 млн. ва Хоразм вилоятида 5,8 млн. ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудларида 383 минг дона кўчат ва қаламчаларнинг экилиши таъминланган.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларига мос шумтол, қайроғоч, катальпа, япон сафораси, гледичия, тол, терак, жийда, тут, заранг, каштан, липа, эман, заранг, қайроғоч, акация каби кўкаламзорлаштириш учун тавсия этиладиган дарахт-бута турлари ҳамда экилиш агротехникаси бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Фикримизча юқорида қайд этилган чора-тадбирлардан ташқари мамлакатимизда:

- кўчат экиш ишларини бажарилишида иқлим-шароитга мос, сувсизлик ва қурғоқчиликка чидамли дарахт ва буталар турларини танлаш;
- тупроқ шароитларини ҳисобга олиш;
- кўчатлар стандартига эътибор бериш;
- тупроқда сув намлигини ушлаб турувчи гидрогеллардан фойдаланиш;
- сув тежовчи инновацион технологияларни қўллаш;
- ҳар хил субстратлардан фойдаланиш;
- экилган кўчатларнинг парваришлаш ва мониторинг ишларини ўз вақтида таъминлаш;
- касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш;



- аҳолининг экологик маданиятини оширишга қаратилган ижтимоий роликлар тайёрлаш;

- доимий равишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик билан алоқаларни яхши йўлга қўйиш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги 4 йилда саноат корхоналари 2 бараварга ортиб, шаҳарларда чанг-газ миқдори меъёрдан 4 баравар ошган. Юртимиз ҳудудларида яшил майдонлар 3-4 бараварга қисқариб кетган. Сув камайиб, ер ости суви сатҳи ҳам пасайган. Буни олдини олиш мақсадида, юртимизда “долзарб 40 кунлик” дастури иш бошлади. Барча вазирлик, идоралар,

таълим муассасаларидан тортиб, маҳаллаларда кўчат экиш ишлари амалга оширилмоқда. Экиш жараёнида фуқаролар кўчат экиш ва уни парваришлар бўйича билим-кўникмаларини ривожлантирмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизни яшил қопламалар билан бойитишимиз ўз қўлимизда. Бунга оммавий курашилмаса самара бермайди. Оммавий ахборот воситалари орқали халқимизни экологик маданиятини, экологик онгини оширишга қаратилган дастурларни кўпайтиришимиз, энг аввало, она табиатимизга бўлган ғамхўрликни оиладан бошлашимиз лозим.

References:

1. Ш. Мирзиёев, Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: Ўзбекистон, 2021й.
2. Ш. Мирзиёев, Янги Ўзбекистон. – Т: Ўқитувчи, 2021й.
3. <https://urmon.uz>
4. <https://gazeta.uz>
5. [https:// namhaqiqat.uz/](https://namhaqiqat.uz/)